

**ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕГИМҚУЛОВ ДИЛШОД ҚАЛАНДАРОВИЧ**

**ҚАРШИ ШАҲРИ ҲУДУДИНИ СУВ БОСИШИ ВА  
ДРЕНАЖЛАНИШИНИ БАШОРАТЛИ БАҲОЛАШ ҲАМДА  
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ  
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Бегимкулов Дилшод Қаландарович**

Қарши шаҳри ҳудудини сув босиши ва дренажланишини башоратли  
баҳолаш ҳамда моделлаштириш .....3

**Бегимкулов Дилшод Қаландарович**

Моделирование и прогнозные оценки подтопления и дренирования  
территории города Карши .....21

**Begimkulov Dilshod Kalandarovich**

Modeling and predictive estimates of underflooding and drainage  
of the territory of the city of Karshi. ....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....42

**ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕГИМҚУЛОВ ДИЛШОД ҚАЛАНДАРОВИЧ**

**ҚАРШИ ШАҲРИ ҲУДУДИНИ СУВ БОСИШИ ВА  
ДРЕНАЖЛАНИШИНИ БАШОРАТЛИ БАҲОЛАШ ҲАМДА  
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ  
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/GM96 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.hydroengeo.uz](http://www.hydroengeo.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Иргашев Юлдашбай</b> геология-минералогия фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Хабибуллаев Иброҳим</b> техника фанлари доктори, профессор <b>Таджибаева Нодира Рузиевна</b> геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>«Ўзбекгидрогеология» ДУК</b>

Диссертация химояси Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «07» июль соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64 уй. Тел.: (+99871) 262-75-92, факс: (+99871) 262-62-15, e-mail: gidro\_ilmkeng@mail.ru).

Диссертация билан Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти кутубхонасида танишиш мумкин (48 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64 уй. Тел.: (+99871) 262-75-92, факс: (+99871) 262-62-15, e-mail: gidro\_ilmkeng@mail.ru.

Диссертация автореферати 2021 йил «19» июнь кuni тарқатилди.  
(2021 йил «20» апрелдаги 3- рақамли реестр баённомаси).



**А.А. Мавлонов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раис ўринбосари,  
геология-минералогия фанлари доктори

**М.Р. Жураев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби,  
геология-минералогия фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

**А.С. Ибрагимов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси ўринбосари,  
геология-минералогия фанлари доктори (DSc)

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда урбанлашган шаҳарлар ҳудудларининг сув босиш ва дренажланиш жараёнларини ўрганиш ва бирламчи геологик-гидрогеологик маълумотлар базаси сифатида аниқланган омиллар асосида уларнинг вужудга келишини башорат қилиш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда ер ости сувлари сатҳи ер юзасига яқин жойлашган шаҳарлар ҳудудининг ер ости гидросфераси моделини тузиш орқали сув босиш ва дренажланиш жараёнларини башорат қилишни ҳал этиш мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун муҳим омил ҳисобланади. Бу борада географик ахборот тизимлари (ГАТ) технологияларини соҳага татбиқ қилишнинг назарий, услубий ва технологик асосларини ишлаб чиқиш шаҳарларнинг сув босиш жараёни тарқалган ҳудудларида фавқулодда вазиятларни олдиндан огоҳлантириш ва уларни бартараф қилишга хизмат қилади.

Дунёда ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда хусусан, геофилтрация жараёнларини тавсифловчи дифференциал тенгламалар системасини ифодаловчи математик моделларни ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, грунт сувлари сатҳини башоратлашда филтрация масалаларини ечиш ва моделлаштириш услубиятини яратиш, урбанлашган шаҳар ҳудудларининг ер ости сувлари сатҳини башорат қилиш бўйича гидрогеологик масалаларни комплекс ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда шаҳар ҳудудларининг сув босиши ва дренажланишини башоратлаш билан боғлиқ гидрогеологик ва муҳандислик-геологик тадқиқотларни бажаришда ГАТ технологияларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиб, жумладан, урбанлашган шаҳарларни сув босиш жараёнларини таҳлил қилиш ва башоратлаш учун гидрогеологик шароитларни моделлаштириш технологияси ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, шаҳар ҳудудларини сув босиш жараёнининг салбий оқибатларидан бино ва иншоотларни муҳофаза қилиш учун геоахборот технологияларидан кенг фойдаланиш асосида геофилтрацияни моделлаштириш методологияси бўйича тадқиқотлар олиб бориш муҳим илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 1 июндаги ПФ-5066-сон «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VIII «Ер тўғрисидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Шаҳар ҳудудларининг сув босиши ва дренажланишини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари олимлари S.P.Larson, M.P.Anderson, Y.K.Cheung, P.C.Trescott, E.C.Дзекцер, А.Ж.Муфтахов, В.И.Сологаев ва бошқалар томонидан ўрганилган. Ўзбекистоннинг урбанлашган шаҳар ҳудудларини сув босиши ва дренажланиши муаммоларини ўрганишнинг илмий-услубий ва башоратлашнинг амалий жиҳатларини ўрганиш бўйича турли йилларда Г.А.Мавлянов, Н.Н.Ходжибаев, К.П.Пулатов, Э.В.Мавлянов, Ф.Б.Абуталиев, У.У.Умаров, Б.Я.Нейман, М.А.Панков, К.М.Арипов, В.Г.Самойленко, Ю.И.Иргашев, Л.З.Шерфединов, Я.С.Садыков, А.И.Голованов, В.А.Гейнц, М.М.Крылов, У.У.Усмонов, М.Р.Рахимов, А.А.Мавлонов, И.Х.Хабибуллаев, М.С.Алимов, В.У.Магдиев, Н.Н.Камилов, Ж.Х.Джуманов, С.Х.Хушвактов, А.Б.Алимбаев, П.П.Нагевич, О.В.Чеботарев, И.Н.Грачева ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган, тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон республикаси ҳудуди учун гидрогеологик шароитларни моделлаштириш технологияси ишлаб чиқилган, турли геологик ва муҳандислик-геологик шароитларда регионал ва локал мониторингни ўтказиш мезонлари белгиланган.

Эришилган илмий натижаларга қарамасдан, соҳада ечими топилмаган қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, аввалги йиллардаги гидрогеологик ва муҳандислик-геологик тадқиқотларининг далилий материалларини чуқур таҳлил қилиш ва кечаётган жараёнлар ҳақида янги тасаввурларни олиш учун уларни моделлаштириш бўйича қўшимча илмий изланишларни давом эттириш талаб этилади. Бу борада сув босиш ва дренажланиш ҳудудлари, хусусан Қарши шаҳри ва унга туташ ҳудудлар бўйича замонавий рақамли гидрогеологик моделни яратишнинг илмий асосларини чуқур тадқиқ этиш орқали сув босиши ва дренажланишни башоратли баҳолаш мазкур масалаларни ечишга имкон беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №И-2012-37/1

«Геология-қидирув ишлари натижаларини қайта ишлаш, ресурсларни баҳолаш ва улардан оқилона фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси ер ости сув конлари бўйича замонавий рақамли гидрогеологик 3D-моделларни яратиш» (2012-2013), «Урбанлашган ҳудудларнинг сув босиши таҳлили ва уларни башорат қилиш учун гидрогеологик шароитларни моделлаштириш (Қарши шаҳри мисолида)» (2016-2020) ва «Худудларни сув босиш пайтида лёсс грунтларининг муҳандислик-геологик ва сейсмик хусусиятларини ўрганишнинг ўзига хос жиҳатлари» (2019-2020) каби инновацион ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қарши шаҳри урбанлашган ҳудудининг сув босиш ва дренажланиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини гидрогеологик моделлаштириш орқали башорат қилиш ва баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

Қарши шаҳри урбанлашган ҳудудининг сув босиш жараёнининг ривожланишига таъсир этувчи ноқулай табиий шароитларини аниқлаш;

Қарши шаҳри ҳудудининг ер ости гидросферасини шакллантирувчи асосий манбаларни аниқлаш;

геоахборот тизимлари асосида ҳудудларнинг сув босиш ва дренажланиш жараёнларини ўрганишнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш;

Қарши шаҳри урбанлашган ҳудуди ер ости гидросферасининг уч ўлчамли моделини яратиш;

Қарши шаҳри ҳудудининг сув босиш ва дренажланиш жараёнларини башоратли баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қарши шаҳри урбанлашган ҳудудининг ер ости гидросфераси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Қарши шаҳри ер ости гидросферасининг гидрогеологик шароити, асосий геофилтрация кўрсаткичлари, ер ости сувлари сатҳининг ўзгариши ва ҳудуднинг дренажланиши ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларни бажаришда гидрогеологик ва муҳандислик-геологик изланишларнинг анъанавий дала ва лаборатория усуллари, материалларни назарий умумлаштириш ва тизимли таҳлил қилиш усуллари, ҳудудларнинг сув босиш ва дренажланиш жараёнларини ГАТ технологиялари ёрдамида моделлаштиришнинг замонавий усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сув босиш жараёнининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар ва Қарши шаҳри ер ости гидросфераси шаклланишининг асосий манбалари аниқланган;

геоахборот тизимлари асосида ҳудудларнинг сув босиш ва дренажланиш жараёнларини аниқлашнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган;

Қарши шаҳри урбанлашган ҳудуди ер ости гидросферасининг уч ўлчамли модели ишлаб чиқилган;

табиий-техноген шароитларда Қарши шаҳри ҳудудининг сув босиш ва дренажланиш жараёнлари башоратланган ва баҳоланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

геоахборот тизимларининг асосий функциялари, уларнинг гидрогеологик тизимларга қўлланиладиган компонентлари ва модулларини ўзида мужассамлаштирган, Қарши шаҳри ҳудуди сув босиш ва дренажланиш жараёнлари бўйича янги технологик схема ишлаб чиқилган;

Қарши шаҳри ер ости гидросферасининг яратилган уч ўлчамли модели асосида урбанлашган ҳудуднинг алоҳида участкаларининг потенциал сув босиш даражасини тезкор баҳолаш имкони яратилган;

мураккаб гидрогеологик ва муҳандислик-геологик тизимларни тадқиқ қилиш, жумладан, Қарши шаҳри ҳудудининг сув босиш ва дренажланиш жараёнларини башоратли баҳолашга қаратилган электрон хариталар серияси тузилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилиги Қарши шаҳри ва унга ёндош ҳудудлардаги 220 та бурғи кудуқлари ва шурфларнинг катта ҳажмдаги далилий материалларига, грунтларнинг физик-механик хоссаларига доир 670 та лаборатория тажрибалари, сув намуналарининг 410 та лаборатория таҳлилларига, ер ости сувлари сатҳининг кўп йиллик мониторинг тадқиқот натижаларига, шунингдек замонавий ГАТ дастурий таъминот муҳитида олинган маълумотларга таянганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ГАТ технологиялари асосида ҳудудларнинг сув босиш ва дренажланиш жараёнларини тадқиқ қилишнинг технологик схемаси ва урбанлашган ҳудудлар ер ости гидросферасининг рақамли уч ўлчамли моделини яратиш услуги ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, замонавий ГАТ технологиялари асосида яратилган Қарши шаҳри ҳудуди ер ости гидросферасининг рақамли уч ўлчамли модели сув босиш ва дренажланиш жараёнларини ўрганишга, уларни башоратли баҳолашга, шунингдек, тадқиқотлар мақсадига мос ҳисоб-китобларни бажаришга, натижаларни жамланма жадваллар, яъни қатламлар бўйича атрибутив ахборотлар шаклида олишга ва электрон хариталар серияларини тузишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қарши шаҳри ҳудудини сув босиши ва дренажланишини моделлаштириш ҳамда башоратли баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қарши шаҳрининг ер ости гидросферасининг шаклланишига ва сув босиш жараёнининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи техноген омиллар ва манбалар «ГИДРОИНГЕО институти» ДМда амалиётга жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2020 йил 21 декабрдаги 04-17-сон маълумотномаси). Натижада Қарши шаҳрида гидрогеологик-мелиоратив тадқиқотларни такомиллаштириш ва ахборотлилигини ошириш имкони яратилган;

геоахборот тизими асосида урбанлашган ҳудудларнинг сув босиш ва дренажланиш жараёнлари бўйича ишлаб чиқилган технологик схема «ГИДРОИНГЕО институти» ДМнинг гидрогеологик мониторинг тизимига

жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2020 йил 21 декабрдаги 04-17-сон маълумотномаси). Натижада шаҳарларнинг сув босиш жараёнига мойиллигини башоратли баҳолаш учун гидрогеологик тадқиқотлар олиб бориш муддатларини қисқартириш имконини берган;

ArcGIS 10.3 ва Visual MODFLOW 4.2. замонавий дастурлари асосида яратилган Қарши шаҳрининг урбанлашган худуди ер ости гидросферасининг уч ўлчамли модели «ГИДРОИНГЕО институти» ДМнинг фаолиятига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2020 йил 21 декабрдаги 04-17-сон маълумотномаси). Натижа табиий-техноген шароитларда Қарши шаҳри худудини сув босиши ва дренажланишининг майдон бўйлаб тақсимотини башоратли баҳолашни асослаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси:** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 9 та республика илмий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий ишлар чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотларнинг республика фан-техника тараққиётининг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Муаммонинг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида халқ хўжалиги объектларининг сув босиш жараёнини ўрганишнинг изчил ривожлантириш муаммолари ҳақида сўз юритилган. Сув босиш – бу гидрогеологик ва муҳандислик-геологик жараёнлар мажмуи бўлиб, унда худуднинг сув режими ва балансининг ўзгариши натижасида ер ости сувлари сатҳининг маълум бир критик чуқурликдан юқорига кўтарилиши ҳамда грунтлар намлигининг ошиши содир бўлади. Бу эса ўз навбатида қурилиш майдонининг гидрогеологик, муҳандислик-геологик ва экологик шароитларининг ёмонлашувига олиб келади, объектларни қуриш ва ишлатиш учун зарур шарт-шароитлар бузилади. Шаҳарлар худудини сув босишини ўрганиш бўйича энг тўлиқ умумлаштирувчи тадқиқотлар Е.С.Дзекцер томонидан амалга оширилган. Сув босиш жараёни босқичма-

босқич ривожланишининг умумий схемаси Н.П.Куранов, А.Ж.Муфтахов, А.П.Шевчик, И.М.Бывальцевлар томонидан ўрганилган ҳамда сув босиш жараёни ривожланишининг учта асосий босқичи аниқланган.

Бу масала янги эмас, чунки Ўзбекистоннинг арид зонаси шароитида йирик массивларнинг жадал ўзлаштирилиши уларда юз бераётган ўзгаришларни аллақачон ўрганиш зарурлигини тақозо этган. Шаҳарлар ва посёлкалар қурилишини ривожлантириш истиқболлари ва Қарши чўлини гидрогеологик-мелиоратив районлаштириш ҳамда уни суғориш муносабати билан ер ости сувлари режими ва муҳандислик-геологик шароитларининг ўзгаришини башоратлаш Н.Н.Ходжибаев, Э.В.Мавлянов, К.П.Пулатов, Ю.И.Иргашев, К.М.Арипов, Ю.П.Исаматов, В.У.Магдиев ва бошқалар томонидан батафсил ўрганиб чиқилган.

Ҳозирда сув босиш муаммосини замонавий ГАТ дастурларидан фойдаланиб ҳал этиш имкониятлари мавжуд. Сув босишини башоратлаш вазибаларини ҳал қилишда GMS (Groundwater Modeling System), FEFLOW (Finite Element Subsurface Flow & Transport Simulation System) ва Visual Modflow дастурларининг имкониятлари ва афзалликлари ўрганиб чиқилган. Қарши шаҳрининг муҳандислик-геологик шароитининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, табиий ва техноген омиллар таъсирида гидрогеологик шароитдаги ўзгаришларни моделлаштириш ва Қарши шаҳри ҳудудининг сув босиши ва дренажланишини башоратли баҳолаш учун Visual Modflow дастурий пакетидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Қарши шаҳри ҳудудида сув босиш жараёнининг шаклланиши ва ривожланишининг асосий омиллари**» деб номланган иккинчи бобида Қарши шаҳри ҳудуди сув босиш жараёнининг шаклланиши ва ривожланишига ҳисса қўшадиган табиий-иқлимий, гидрогеологик ва техноген омиллар таҳлил қилинди. Иқлим шароитига кўра, Қарши шаҳри ҳудуди чўл-дашт зонасига тегишли. Атмосфера ёғинлари миқдори унчалик кўп эмас, асосан баҳор-киш мавсумида ёғади. Уларнинг асосий қисми ёмғир шаклида тушади, қор ёғиши нисбатан кам учрайди ва қор қоплами узок сақланмайди, одатда бир неча кун туради, холос. Ўрганилган ҳудудда рельефнинг иккита асосий тури ажратилади: паст тепаликлар; текисликлар.

Қашқадарё дарёси водийси ҳозирги замон ётқизиқларига тааллуқли грунт сувлари дарёнинг I ва II қайирусти террасалари майдонида кўплаб бурғи қудуқлари ва қудуқлар билан очилган. I қайирусти террасасида, йирик суғориш каналлари ва ариқлари яқинида грунт сувлари 5-15 м чуқурликда ётади. Дарё ва суғориш каналларидан узоклашган сари грунт сувларининг ётиш чуқурлиги аста-секин камайиб боради ва II террасада 3-5 м га, баъзи ҳолларда 5-6 м га етади. Ер ости сувлари шаклланишининг асосий манбалари дарё ва суғориш сувларининг шимилиши, тоғ тизмаси томондан келадиган ер ости сув оқими ҳисобланади.

Қарши шаҳри ҳудудини сув босиши ва дренажланишига таъсир этувчи техноген омиллар ҳам далилий материаллар асосида батафсил баён қилинди. Ҳудуднинг муҳандислик-геологик шароити тавсифланган, унда амударё

комплекси аллювиал ётқизикларининг ва қарнаб комплекси пролювиал ётқизикларининг гранулометрик, минералогик таркиби, карбонатлилиги, сувда эрувчан тузларнинг тарқалиши, шўрланганлиги, физик-механик хусусиятлари кенг ёритилган. Худудда тарқалган замонавий геологик ва муҳандислик-геологик жараён ва ҳодисалар ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Худудда тарқалган тоғ жинслари литологик тузилиши ва физик-механик хусусиятларига кўра, 0-26 м қалинликдаги кесим бўйлаб, 6 та муҳандислик-геологик қатламларга ажратилган.

Қарши шаҳри худудининг марказий, жанубий-ғарбий ва жанубий қисмларини сув босиш жараёни ҳарбийлар шаҳарчаси, вилоят травматология шифохонаси, Шибает ва Механизаторлар посёлкалари худудларида намоён бўлади. Аэропорт ва темир йўл вокзали майдонларида грунт сувлари сатҳи 1,0 – 2,0 м гача чуқурликда жойлашган бўлиб, суғориш мавсумида сатҳ 0,7–1,0 м ни ташкил этади, бу эса шаҳар майдонининг 15% қисмида ноқулай ҳолатни юзага келтиради. Қарши шаҳрида мавжуд дренаж иншоотларининг ишлаш шароитлари ва уларнинг самарадорлиги ўрганилганда, саноат ва техник сув таъминоти учун 61 та қудуқдан – 2,76 минг м<sup>3</sup>/сутка, ерларни суғориш учун 82 қудуқдан – 3,63 минг м<sup>3</sup>/сутка, ер ости сувлари сатҳини пасайтириш учун 90 дан ортиқ вертикал дренаж қудуқларидан – 22,3 минг м<sup>3</sup>/сутка ер ости сувлари тортиб олиниши аниқланди. Қарши шаҳри худудида сув босиш жараёнининг шаклланиш ва ривожланиш омилларини таҳлил қилиш асосида грунт сувларининг сатҳи 1979 йилдан буён жадал кўтарилиб келаётганлиги аниқланди. Сатҳнинг ўртача йиллик кўтарилиши 0,25-0,6 м га тенг. Грунт сувлари сатҳининг кўтарилган ҳолати ерларнинг комплекс ирригацион ўзлаштирилиши, ичимлик ва техник эҳтиёжлар учун етказиб берилаётган сувнинг умумий ҳажмидаги йўқотишлар билан боғлиқ.

Диссертациянинг «**Шаҳар худудларини сув босиши ва дренажланишини ўрганишнинг геоахборот таъминоти**» деб номланган учинчи бобида сув босиш ва дренажланишни ўрганишнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш, Қарши шаҳрининг геоахборот базасини тузиш ҳамда моделини яратиш учун ахборотни тақдим этиш турлари ва унинг бошқарув қарорларини қабул қилишни қўллаб-қувватлашдаги аҳамияти кўриб чиқилган. Гидрорежим ишларининг амал қилиш, локал ва регионал даражаларда мониторинг қилиш самардорлигини оширишда геоахборотли тизимлар муҳим роль ўйнайди. Сув босиш ва дренажланиш каби геофилтрация жараёнларини ўрганиш бўйича бундай тизимлар анча узок вақтдан бери қўлланиб келинмоқда.

Фактографик маълумотлар базаси моделлаштириш объекти ва унда кечувчи жараёнлар тўғрисидаги кенг қўламли тезкор маълумотларни ўзида мужассамлаштирган. Улардан кўп маротаба фойдаланиш моделини аниқлаштиришга, доимий ўзгариб турувчи табиий-техноген шароитларга маълумотларнинг мослигини сақлаб қолишга имкон яратади. Асосан моделлаштириш натижалари сонли шаклдан график шаклга айлантиради. Бу геоахборот-математик модель базаси қуйидаги уч компонент: бирламчи фактографик маълумотлар базаси; картографик маълумотларнинг

геомаълумотлар (геоахборот) банки; геоахборотли-математик модель ва геомаълумотларнинг фазовий таҳлилидан иборат эканлигини тасдиқлашга асос бўлади. Амалдаги маълумотларни жамлаш ва сақлаш тузилмаси замонавий талабларга жавоб бермайди ва уни қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Шу муносабат билан фактографик материаллар ва геологик фазовий маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда жорий этиш услубияти ва алгоритмларини, шунингдек гидрогеологик фазовий маълумотларни шакллантириш жараёнидаги маълумотлар базасини қўллаш услубиятини ҳам ишлаб чиқиш зарур.

Қарши шахрини сув босишини ўрганишда маълумотлар базаси тузилмасини яратиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш зарур: 1) мониторинг маълумотларини ҳисобга олишни амалга ошириш; 2) экзоген геологик жараёнлар (ЭГЖ) мониторинги ва башорати натижаларини таҳлил қилиш; 3) давлат мониторинги регламенти ҳамда истеъмолчилар сўровларига мувофиқ ҳисобот ахборотини тузиш; 4) мониторинг ва гидрорежим ишларининг турли ташкилий даражаларида ЭГЖ ва сув босиши тўғрисидаги маълумотларни узатиш ва ахборот алмашувини таъминлаш; 5) салбий геологик ва муҳандислик-геологик жараёнлар ривожланишининг олдини олишни башорат қилиш усулларини такомиллаштириш учун ЭГЖ ривожланишининг кўп йиллик макон-замон динамикаси асосий тенденциялари ва регионал ўзига хосликларини аниқлаш мақсадида таҳлилий умумлаштиришни ўтказиш.

Урбанлашган ҳудудлар муаммоларидан бири сифатида кўтарилган мураккаб ўзаро таъсирлар оқибатлари ҳамроҳлигида кечувчи гидрогеологик тизимлар эволюциясини ўрганиш геоахборот тизимининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бу эса шаҳар муҳитининг динамик ҳолатини тавсифловчи кенг доирадаги маълумотлардан фойдаланишга бўлган қизиқишни олдиндан белгилаб беради. Уларнинг асосий афзаллиги – қурилишлар ҳудудининг геологик, гидрогеологик, муҳандислик-гелогик шароитини баҳолаш хариталари каби турли картографик ахборотларни биргаликда таҳлил қилишнинг кенг имкониятларига эгалигидир.

Ҳозирги вақтда ҳудудларнинг сув босиш муаммоларини ҳал қилиш учун мўлжалланган геологик маълумотлар базасини шакллантириш, ҳолатнинг доимий назоратини олиб борувчи мониторинг тадқиқотларидан ташқари замонавий ГИС технологияларидан ҳам фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу маънода Қарши шаҳри ҳудудини сув босиши ва дренажланишини башоратли баҳолаш учун гидрогеологик ва муҳандислик-геологик шароитларни таҳлил қилишда рақамли хариталар сезиларли роль ўйнамоқда. Маълумотларнинг геологик базасини яратишда геоахборотли хариталаштириш технологияси, электрон хариталаштириш тажрибаси ҳамда етти босқичдан иборат бўлган муаллифнинг камерал тадқиқотлари натижаси асос сифатида қабул қилинди.

Геобазалар картографик материалларни сақлаш билан бир қаторда жамланма жадваллар кўринишидаги ҳисоб-китобларни бажариш ва натижаларни олиш учун имкон беради. Шу тарзда қатламлар бўйича атрибутив ахборотлар олиш имконияти пайдо бўлади. Ҳар бир жадвалда

кудукларнинг сони, тури, умумий майдони, сувли горизонт узунлиги, кенглиги, дарёлар сарфи ва ҳоказолар каби асосий кўрсаткичлар бўйича бошланғич ахборотлар тўплами жойлаштирилган ҳамда ҳисоб-китоблар яқунлари келтирилган.

Бугунги кунга келиб шаҳар ҳудуди учун, гарчи мақсадга йўналтирилган геологик ва гидрогеологик съёмка ишлари амалга оширилмаётган бўлсада, турли-туман ахборотларнинг каттагина ҳажми тўпланган. Улардан фойдаланиш самарадорлиги гидрогеологик маълумотларни интеграциялаш ва ялпи интерпретация қилиш, башоратларни асослаш, геологик муҳитга техноген таъсирларни моделлаштириш ҳамда истиқболли лойиҳа ечимларини башоратлаш имкониятини беради. Худудларни бошқаришни оптималлаштириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ масалаларда ўта аҳамиятлидир. Геоахборот тизими ўзининг тузилмасига кўра бир нечта нисбатан мустақил функционал блоклардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ахборотни сақлаш, қисман ишлов бериш ва узатишга, маконли таҳлил ва ахборот тизими вазифаларини ҳал қилишга мўлжаллангандир.

Моделнинг қиммати моделлаштириш маълумотларини далилий маълумотлар билан геоахборотли ва гидродинамик ёндашувлар асосида солиштириш орқали шакллантирилган хулосанинг ҳамда натижаларнинг ишончилигидан иборат. Оқимларнинг тақсимланишини аниқлаштиришда математик моделдан фойдаланилади. Сув оқадиган коммуникациялар носозлиги туфайли исроф бўлаётган сувларнинг ишончли ҳисоби бўлмаган ҳолатда, кўшимча инфильтрацион тўйиниш қийматини миқдорий баҳолаш муҳим ўрин тутаяди. Унинг ёрдамида муайян натижаларни қўлга киритиш ва шулар асосида шаҳар ҳудудидаги грунт сувлари сатҳини ер юзасига  $h_{oc}=3m$  гача яқинлаштирамаслик учун худуднинг дренажланиши ва дренаж иншоотини баҳолаш ҳисоб-китобларини амалга ошириш мумкин. Ер ости сувларининг чиқиб кетиш шароитларига худуднинг дренажланиш даражаси ҳар томонлама таъсир кўрсатади. Худуднинг дренажланиш даражаси ер ости сувларининг тўйиниш ва чиқиб кетиш соҳаларидаги гипсометрик ўзаро муносабатларга, рельеф ва унинг табақаланганлигига, геологик кесим литологик таркибининг ўзига хосликлари ва ер ости оқими шаклланиши учун мақбул шароитларнинг мавжудлигига боғлиқ.

Қарши шаҳри ҳудуди регион планида яхши дренажланган майдонлар жумласига киради. Шаҳарнинг катта қисмида грунт сувлари 3-5 метр чуқурликда, шаҳарнинг шимолий-ғарбий қисмида эса 8-10 метр ва ундан чуқурроқда жойлашган. Шу билан бирга, кесимнинг юқори қисмини ер ости сувлари тўйинишининг локал соҳалари сифатида тавсифлаган ҳолда уларда кучсиз дренажланган ва дренажланмаган худудлар мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Бундай шароитлар ер ости сувларининг ён томондан оқиб чиқиб кетишига тўсқинлик қилади ҳамда юзаки сувлар шаклланишини, бинобарин сув босиш жараёнларини келтириб чиқаради.

Сув босиш ва дренажланишни башоратлаш учун *ArcGIS* дастурий мажмуаси муҳитига созланган «*fieldcalculator*» функцияси мавжуд комплекс

рақамли харита яратилган. Харита ҳудуднинг дренажланганлиги бўйича аввала жратилган: кучсиз дренажланган, мўътадил дренажланган, яхши дренажланган гуруҳларга тўлиқ мос равишда участкаларнинг фазовий тақсимланишини намойиш этади. Ҳудудларнинг сув босиш даражаси, ер ости сувлари сатҳининг ётиш чуқурлиги бўйича табиий ва техноген омиллар таъсири билан бир вақтда аниқланади. Қарши шаҳри ҳудуди учун ер ости сувлари ётиш чуқурлигининг тўртта: ер юзасига яқин (0–1 м); чуқур бўлмаган (1–3 м); ўртача (3–5 м) ва чуқур (5–10 м) категориялар қабул қилинди.

Аниқланишича, Қарши шаҳридаги сув қувурлари ва канализация тармоқларида умумий сув сарфи 30 дан 40% гача йўқолади ва бу 60-80 минг м<sup>3</sup>/суткани ташкил этади. Бу майдон бўйича йўқотишларнинг сув истеъмолига пропорционал тақсимланишини аниқлаш учун асос бўлади. Қарши шаҳридаги қўшимча тўйинишни даражалаш учун қуйидаги категориялар ажратилди: 1 га ҳудудга – 50 м<sup>3</sup>/сут дан кам; 50 га – 100 м<sup>3</sup>/сут; 100 га – 200 м<sup>3</sup>/сут ва 100 га – 200 м<sup>3</sup>/сут дан кўп.

Сув босишнинг кучли ривожланиши ва уни вужудга келтирувчи омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар уларнинг барчаси нисбатан мустақил эканлигини ҳамда геологик муҳитга таъсирининг ўзига хос хусусиятларига кўра бўлинганини кўрсатмоқда. Бундай ўзаро боғлиқлик сув босиш жараёнларининг ривожланишига имкон яратувчи сабаб-оқибат ходисалар занжирини яратади. Шундай қилиб, моделнинг филтрация схемаси асосини тажриба-филтрация ишлари, геологик-гидрогеологик, геофизик ва баланс тадқиқотлари, шунингдек ихтисослашган экологик-гидрогеологик ва гидрологик изланишлар маълумотлари ташкил этиши лозим. Гидродинамик моделлар сув босиши ва дренажланишни башоратли гидродинамик баҳолаш учун турли дастурий мажмуаларнинг автоном геоахборот блокларини ўз ичига олади.

Қарши шаҳрининг сув босиш жараёнини фазовий гидродинамик моделлаштиришни кўриб чиқишда қуйидагилар таклиф қилинган: фактографик ва картографик геофазовий маълумотлар базасини шакллантириш ва юритишнинг усуллари ва алгоритмлари; шаҳар муҳити динамик ҳолатини тавсифловчи сув босишнинг ажратиб кўрсатилган зоналарини ҳисобга олган ҳолда аэрация зонаси қалинлиги хариталарини моделлаштириш орқали олинадиган натижалар асосида сув босишини башоратлаш усуллари; математик моделлаштириш жараёнида амалга ошириладиган, хариталарни, профилли схемалар ва жадвалларни тайёрлаш, табиий шароитларни схемалаштиришни ўз ичига оладиган ер ости сувлари оқимларини рақамли уч ўлчамли имитацион моделлаштиришдан фойдаланувчи шаҳар ҳудудларини сув босиши ва дренажланишини таҳлил қилиш, башоратлаш учун геоахборот тизими.

Ҳозирги вақтда шаҳар ҳудуди, йирик корхоналар ва гидрогеологик объектлардаги сув босиш ва дренажланиш жараёнларини бошқаришда геоахборот тизимларининг қўлланилиши бўйича тажрибалар мавжуд. Регионал ва локал ҳудудларда ўтказиладиган мониторинг изланишлари ГАТ

технологияларидан фаол фойдаланиш мавжуд муаммолар ечимига янгича, бирмунча чуқурроқ ёндашиш имконини яратади.


**«Шаҳар ҳудудларини сув босиши ва дренажланишини башоратли баҳолаш ҳамда моделлаштириш амалиёти»** деб номланган тўртинчи бобда ҳудудларнинг сув босиши ва дренажланиши каби техноген жараёнларни моделлаштириш ва башоратли баҳолаш натижалари, геоахборот моделлаштириш хусусиятлари, Қарши шаҳри ҳудудини сув босиши ва дренажланиши жараёни геоахборот модели ва уни қўллашнинг амалий жиҳатлари келтирилган. Қарши шаҳри ҳудудининг геофилтрация, сув босиши ва дренажланиш жараёнларини моделлаштиришда ГАТ билан интеграциялашган VisualModflow дастурий пакети ва географик координаталар асосидаги ArcGIS дастурий тизимлари қўлланилган. Натижаларни қўлга киритиш учун космоаэрофотосъёмка, рақамли масофали зондлаш, геодезик ишлар ва геология – қидирув, гидрогеологик тадқиқотлар материаллари, шунингдек вербал тавсифлар, чизмалар, статистик ва кўплаб бошқа маълумотлар хизмат қилди.

Тизимни шакллантириш учун асос *биринчи қадам* – маълум бир ном остида янги моделни яратиш эди. Бу босқичда моделнинг бошланғич маълумотларини сақлаш учун папка танланди (*D:\Model\_Karshi*). *Иккинчи қадам* – сувли горизонтлар чегаравий шартлари ва параметрларини аниқлаш учун ортогонал тўрни моделлаштиришдир. *Учинчи қадам* қатламларнинг турларини аниқлаш билан боғлиқ: биринчи босимсиз – «1», иккинчи ва учинчи босимли – «0», *Grid* менюсидан *Layer Type* буйруғи танланади. Тўрли модель асосий чегаравий шартлар билан бўлинган. Уларда ҳар бир ячейка ўзининг сатҳ маълумоти кодига эга: шимолий чегарада гидравлик сатҳ «1» ячейкада (фаол ячейка) ўзгарувчан; жанубий оқимда у йўқ ва бу ерда «0» (нофаол ячейка) қўйилади. Тўрли моделнинг чегаравий шартлари – *Сетка* менюсидаги *IBOUND* буйруғи ёрдамида танланади. *Тўртинчи қадам* ер ости сувли горизонтларининг мутлақ белгиларини танлаш – *Grid* менюсидан *Top of Layers* буйруғи билан ажралиб туради.

Шундай қилиб, xls, shp, dat ва бошқа барча рухсат этилган ахборотлардан фойдаланиш фойдаланувчига стандарт дастурларни яратиш ва таҳрирлаш, моделлаш, бошқариш, файлларни ўқиш ва файл номларини бошқариш имконини беради. Бундан ташқари, ҳар бир файл филтрацион параметрлари мавжуд мунтазам сирт ячейкаларининг X, Y, Z координатали тўртдан ортиқ устунларига эга, уларнинг баъзилари номланган ёки тартиб бўйича рақамланган. Рақамли модель ёрдамида олинган ер ости сувлари сатҳининг натижаларини рельеф қийматлари билан таққослаш харитаси натижаловчи материалдир (1-расм). Рельефнинг абсолют белгилари ва ер ости сувлари сатҳининг (ер юзасидан биринчи сувли горизонти) модель томонидан талқин этилган қийматларини таққослаш асосида бу юзаларнинг майдон бўйлаб узлуксиз тақсимланиш grid-тасаввурлари яратилди.

Харитада майдон бўйлаб рельеф изолиниялари ва ер ости сувлари сатҳининг мослиги кузатилади. Мазкур ҳолатда ер ости сувларининг ҳаракати шарқдан ғарбга томон йўналган, шунингдек рельефнинг пасайиши

хам ғарбга йўналган. Шимолий-шарқий ва шарқий қисмларда ер ости сувларининг сатҳига мос келмайдиган рельеф майдончалари мавжуд. Танланган нисбатан яққаланиб қолган ҳудудлар, асосан ер ости сувларининг тўйиниш, транзит қилиш ва Қашқадарё дарёси ўзани ҳудудларида уларнинг чиқиб кетиш соҳаларига тегишли. Харитада улар ёпиқ ҳаво ранг чизиқлар билан ажратиб кўрсатилган.



**1-расм. 1:100 000 масштабда ер ости сувлари сатҳи модель натижалари ва рельефни таққослаш харитаси (Д.Қ.Бегимкулов, 2020)**

1 – ер ости сувлари гидроизогипис чизиқлари; 2 – рельеф изолинялари;  
3 – Қарши шаҳрининг истикболли чегаралари; 4 – Қашқадарё дарёси.

Юқори тўртламчи давр сувли горизонти (гравий-шағалли ётқизиклар) ер ости сувларининг шаклланиш ва сарфланишининг замонавий шароитлари ўрганилаётган майдондаги баланс тадқиқотлари билан тавсифланади. Баланс тадқиқотлари контурининг горизонтал чегараси сифатида, шартли равишда, Қарши шаҳри яқинидаги Қашқадарё дарёси ўзани, вертикал чегараси сифатида эса ўрганилаётган сувли горизонтнинг қуйи қисми хизмат қилади.


Умуман, баланс тадқиқотлари оқиб келувчи ва сарфланувчи қисмлар бўйича ер ости сувларининг шаклланиш шароитларини баҳолашдан иборат. Ўтказилган таҳлиллар ер ости сувларининг баланси қуйидагича мувозанатда эканлигини кўрсатди:  $0,708 - 0,682 = 0,026 \text{ м}^3/\text{с}$  ёки 2,6 %, бу баланс ҳисоб-китобларининг аниқлигини тасдиқлайди. Шундай қилиб, таҳлилнинг кўрсатишича, моделлаштиришдаги қайта вазифаларни ҳал қилиш яратилган модель ишончлилигини, унинг табиий филтрлаш схемасига мос келишини ҳамда бунинг асосида бажариладиган муҳандислик башоратларининг ишончлилигини баҳолаш усули сифатида юзага чиқади. Яратилган модель қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади: 1) фильтрация муҳитининг

